

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2020 йил ноябрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси О.Шукуровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Л.Азизовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрисабз туман прокурори ёрдамчиси М.Хакимов, гумон қилинувчи Л.Н., унинг ҳимоячиси адвокат С.Ибрагимов, жабрланувчи Ж.И.нинг иштирокида,

Л.Н. ( ) – 2001 йил 23 август куни Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, ишламайди, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Шаҳрисабз тумани, “Олмазор” МФЙ, Хазара қишлоғида яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан гумон қилинувчи тариқасида жалб қилинганга оид 1-1803-2001/120-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, Л.Н. 2020 йил 5 сентябрь куни соат 09-00 ларда Шаҳрисабз тумани “Олмазор” МФЙ Хазара қишлоғида жойлашган савдо дўкони яқинида қишлоқдоши ( ) ўғли билан ўзаро келишмовчилик натижасида жанжаллашиб қолиб, қўлининг мушти билан Ж.И.нинг юз соҳасига бир неча марта уриб, унга соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказган.

Дастлабки терговда гумон қилинувчи Л.Н. ва жабрланувчи Ж.И. ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Шаҳрисабз туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими суриштирувчиси С.Жўраевнинг 2020 йил 23 октябрдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи Л.Н.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлик муносабати билан тугатиш масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи Л.Н. суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи Ж.И. билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ж.И. суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Л.Н.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга етказилган зарар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмагани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлиб, етказилган зарарни тўлиқ қопласа, жабрланувчи



билан ярашса ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи Ж.И., гумон қилинувчи Л.Н.нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, гумон қилинувчи Л.Н.нинг муқаддам судланмагани, айбига иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплангани, жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашганликларини инобатга олиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни, иш бўйича моддий зарарлар тўлиқ қопланганини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд,

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан гумон қилинувчи Л.Н. ва жабрланувчи Ж.И. ўзаро ярашганликлари муносабати билан Л.Н.га оид жиноят иши ҳаракатдан тугатилсин.

Иш бўйича моддий зарарлар тўлиқ қоплангани қайд этилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига хусусий тартибда шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

О.Шукуров

